

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 2

Навоий шахри

«02» 06 2022 йил

Навоий шахар 1-БўСМ номидан низом устав асосида иш кўрувчи Ш.М.Хидиров бир томондан ва кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган иккинчи томондан "NAVOIY STROY QURILISH-2020" МСНJ номидан устав асосида иш кўрувчи Деникаев А кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади билан Навоий шахар худудида жойлашган 1-сонли БўСМ га қарашли мини футбол майдони ва иссиқлик тизимини трубаларини жорий таъмирлаш буйича қуидаги шартномани туздик.

## 1. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари сметага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тугрисидаги далолатномалар хамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси Смета ва (Форма-2-3 ) асосида иш олиб борилади.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилаб қўйилади;

вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чикиш - ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## 2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига шахар худудида жойлашган жойлашган 1-сонли БўСМ га қарашли мини футбол майдонини ва иссиқлик тизимини трубаларини жорий таъмирлаш сметада кўзда тутилган холда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аникланган ва (2022 йил " 30 " майдаги 91066 -сон баённома) билан тасдикланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда **312 048 688** (уч юз ўн икки миллион кирқ саккиз минг олти юз саксон саккиз ) сум ни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чикилиши мумкин эмас, қуидаги холлар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми ва тури катъий равища ўзгартирилмайди( қонунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);

объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **4. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: барча ишларни мазкур шартномада хамда ундаги \_\_\_\_\_ - иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор килиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дараҳатларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **5. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага \_\_\_\_\_ - иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошса функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва карор кабул килиш;

тулов жадвалига биноан Пудратчига \_\_\_\_\_ - иловага мувофик аванс бериш ва жорий туловни амалга ошириш; мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## **6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килингандан - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВгас конвертация килган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килингандан - шартнома конун хужжатларига мувофик рўйхатдан ўtkазилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 (уттиз) кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## **7. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 (уттиз) фоизи микдорида аванс ўтказади, бу **93 614 606 сўм** ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2-3) асосан амалга оширилади.

16. Бажарилган ишлар назорат улчовидан ўтказилиб, Пудратчи обьектни фойдаланишга топширади. Пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк хукукини ўзида саклаб колади. Обьект Буюртмачига топширилгунга кадар обьектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб олтмиш кун мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгилangan тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашдан озод килинмайди.

## **8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажарishни мустакил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгилangan тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибини таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортичча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўгри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўкларининг мувофикалиги тўгри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиковчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилдиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан бояглиқ тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттиради.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларида коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **9. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари нокулай оби-хаво ва бошка енгиг бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб

чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## 10. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи: барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидан кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлами далолатномасида кайд этилади.

35. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган такдирда, уларни текшириб чикиш "Давлатархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

## 11. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

36. Буюртмачи: шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига boglik бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

37. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига boglik бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

38. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 (Уттиз) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

44. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 (Ун) фоизи микдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг 50 (Эллик) фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва качиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 (Эллик) фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг холосаси асосида обьектни кабул қилиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 50 (Эллик) фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

49. Ўзбекистон Республикасининг Конуни, 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сонли коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конунга мувофик жавобгарликлар мавжудлиги.

## 13. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

50. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Пудратчи жойлашган худуддаги хўжалик суди томонидан кўриб чикилади.

#### 14. АЛОХИДА ШАРТЛАР

51. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

52. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохидага кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки

бериш хукукига эга бўлмайди.

53. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

54. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги маъжбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак

55. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечикиришга хаклидир.

56. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

58. Мазкур шартнома тамонлар тамонидан имзоланиб Навоий шахар Газначилик булимидан руйхатдан утказилган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал килади.

#### 15. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

##### Буюртмачи:

Навоий шахар 1-БЎСМ  
Навоий шахар: А.Авлоний 26-үй  
Телефон 79-225-12-03  
ШХР: 401722860124017083610245002  
Банк Тошкент ш Марказий банк ББХКМ  
МФО: 00014 ИНН:203 168 534  
ОКОНХ:  
Рахбар \_\_\_\_\_ Ш.М.Хидиров



Уз Рес молия вазирлиги газначилик


ГазнаMa x/p 23402000300100001010

##### Пудратчи:

“NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ”  
Манзили:Ислом Каримов кучаси 140-35  
Телефон : 97 796-57-00  
x/p: 20208000205156066001



ИИН: 306970783



(имз)

*С. У. Рахбар*

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 91066 на приобретение Мини футбол  
майдонини жорий таъмирлаш ва иссилик тизими трубаларини алмаштириш**

Способ проведения электронный

Дата 30.05.2022

Время рассмотрения 30.05.2022 11:38

Конкурсная комиссия Навоий ш 1-БУСМ., (далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MAJIDOV SOBIRJON SADULLOYEVICH	Укув ишлари буйича директор уринбосари	Навоий ш. 1-БУСМ
<b>Секретарь комиссии</b>	JURAYEVA GULBAXOR XASANOVNA	Хужалик ишлари буйича директор уринбосари	Навоий ш. 1-БУСМ
<b>Член комиссии</b>	ESHIMOV ELDOR TOSHTEMIROVICH	Услубчи	Навоий ш. 1-БУСМ
<b>Член комиссии</b>	PRIMOV SROCH TEMIROVICH	Услубчи	Навоий ш. 1-БУСМ
<b>Член комиссии</b>	DAMINOV ODILJON ISHNAZAROVICH	Хужалик мудири	Навоий ш. 1-БУСМ
<b>Член комиссии</b>	TEMIROV AZIZ ERKINOVICH	Услубчи	Навоий ш. 1-БУСМ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.05.2022 года № лота 91066.

Метод оценки предложений – Балльный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту кабинетов, коридоров, лестничных маршей, столовой и стадиона
Подробное описание	Мини футбол майдонини жорий таъмирлаш ва иссилик тизими трубаларини алмаштириш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	324 971 765.00
Стартовая сумма	324 971 765.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иш стажи

Тип: Числовое значение

Описание: Шу сохада камида Зийил стажга эга булиши керак

Обязательность: Критично

Требование заказчика: Не менее: 3 год

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ	25	312048688	25	Системная		
ООО STANKO INSTRUMENT TRADE	25	314971765	25	Системная		
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	25	2022	25	Системная		

Критерий №2 Солик хамда банк ташкилотидан карздорлиги булмаганлиги тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик хамда банк ташкилотидан карздорлиги булмаганлиги тугрисида

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ	25	312048688	22	Экспертная		
ООО STANKO INSTRUMENT TRADE	25	314971765	8	Экспертная		
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	25	Карздорлик мавжуд эмас	15	Экспертная		

Критерий №3 Транспорт воситалари

Тип: Текстовое значение

Описание: транспорт воситалари тугрисида тасдикланган маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ	25	312048688	21	Экспертная		
ООО STANKO INSTRUMENT TRADE	25	314971765	5	Экспертная		
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	25	бор	18	Экспертная		

Критерий №4 Иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Шу соҳада олдин килинган ишлар руйхати ва буюртмачилар берган тавсифномалари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ	25	312048688	23	Экспертная		
ООО STANKO INSTRUMENT TRADE	25	314971765	12	Экспертная		
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	25	иш тажрибаси	16	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TRANS X K		мавжуд				

Критерий №5 Кафолат муддати

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ	25	312048688	22	Экспертная		
OOO STANKO INSTRUMENT TRADE	25	314971765	10	Экспертная		
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	25	Кафолат берилади	17	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	324 971 765.00	320 971 765.00	30.05.2022 08:48:20	19.44
NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ	324 971 765.00	312 048 688.00	27.05.2022 20:28:56	20.00
OOO STANKO INSTRUMENT TRADE	324 971 765.00	314 971 765.00	29.05.2022 22:29:55	19.81

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	58.24	19.444	77.684
NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ	72.32	20	92.32
OOO STANKO INSTRUMENT TRADE	38.4	19.81439	58.21439

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 91066 от 30.05.2022 года на приобретение Мини футбол майдонини жорий таъмирлаш ва иссилик тизими трубаларини алмаштириш определила победителем:

NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ  
306970783

и резервный исполнитель: QIZILTEPA COTTON TRANS X K (302403739)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии

Член комиссии	TEMIROV AZIZ ERKINOVICH	Согласен	
Член комиссии	ESHIMOV ELDOR TOSI TEMIROVICH	Согласен	
Член комиссии	PRIMOV SROCH TEMIROVICH	Согласен	
Член комиссии	DAMINOV ODILJON ISHNAZAROVICH	Согласен	
Председатель комиссии	MAJIDOV SOBIRJON SADULLOYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП